# СЎНМАС ЖАСОРАТИ



1945-1985

> Эй, ўзбек халқининг ҳур ўғлони, эркин қизи!
> …Озод Ватанимизнинг эрк ва иқболини таъминлаймиз десак, гитлерчи жаллодларни СССР тупроғидан суриб ташлашимиз шарт. Биз ўзимизнинг ҳаққоний курашимиз билан бу ишни албатта қиламиз, биз албатта енгамиз. Бунга ишончимиз комил.
>
> «Ўзбек халқининг жангчиларига уларнинг эл-юртларидан мактубдан».



Янгиердаги В. И. Ленин номли қурилиш материаллари ва конструкциялар комбинатининг директори ўринбосари Б. Н. Зажицкийнинг жанговар ва меҳнатда кўрсатган алоҳида хизматлари учун олган мукофотлари қаторига Совет Иттифоқи ва Польша Халқ Республикасининг давлат герблари тасвири туширилган олтиндан ясалган кўкрак нишони қўшилди. Бу мукофот ҳамюртимизга Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги арафасида топширилди. Бронислав Николаевични поляк шаҳри— Сандомир билан боғлаган нарса суронли уруш йилларидир.

1944 йил августида старший лейтенант Б. Н. Зажицкий хизмат қилган полк Сандомирга яқин жойда Висла дарёсини кечиб ўтган эди. Сандомир учун бўлган жангларда 14 минг совет солдати ўз азиз жонини фидо қилди. Лекин шаҳар душмандан сақлаб қолинди. Шаҳар ҳимоячилари сафида Б. Н. Зажицкий ҳам бор эди. Шиддатли жангларда у оғир ярадор бўлди, госпиталда даволангач, яна сафга қайтди. Буюк Ғалаба онларини у совет жангчилари томонидан озод этилган Чехословакия пойтахтида кутиб олди.

Сандомирликлар совет жангчилари хотирасини абадийлаштириш учун ёдгорликлар қурдилар. Урушдан кейинги йилларда улар тирик қолган ҳимоячиларни ахтара бошладилар. Бундан ўн йил муқаддам улар ҳамюртимиз Бронислав Николаевични ҳам излаб топдилар ва Сандомирга таклиф қилдилар. Шундан буён асли москвалик бўлган янгиерлик Б. Зажицкий поляк шаҳри Сандомирнинг фахрий гражданидир.

Суратда: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими Б. Н. Зажицкий набираси Слава ва кичик қизи Вика билан.

В. ВТЮРИН фотоси. (ЎзТАГ).

## ЖАНГДА ВА МЕҲНАТДА ДОВЮРАК

Полосон қишлоғидаги мактабда дарс бераётган ёш ўқитувчи Омон Болтабоев 1937 йили Армияга чақирилди. 40-отлиқлар полкига тушди.

Улуғ Ватан уруши бошланганда полк Узоқ Шарқда эди. Қаҳратон қишда уни Москва остоналарига кўчиришди. О. Болтабоев Михайловка, Волоколамск, Кутузово учун бўлган шиддатли жанглар шоҳиди.

Жароҳатланиб Куйбишев, Баржоми госпиталларида соғлиғини тиклади. Яна сафга қайтди. Бироқ у танкчи бўлишни орзу қиларди.

Ўқиди. Ниятига етди. 3-Украина фронти 181-танк бригадасига юборилди. У ўқловчи бўлган 3-танкни «тезюрар», «ўқтегмас» дейишарди. Экипаж командири Александр Попов ҳам, разведкачилар командири Иван Иванович Зайцев ҳам сўзга чечан, ҳазилкаш, қувноқ бу йигитни ёқтиришарди. Бир куни Омонбой лейтенант Зайцевдан ўтинди:

— Разведкага ол. Узоқдан-ку кўряпмиз. Бирор фашистни қўлим билан ушлаб кўрай. Одаммикин, ҳайвонми?

— Нимаям дердим, унда Крюково станциясини «сайр» қилдириб кела қолай. Сен билан тўққиз киши бўламиз.

Разведкачилар сафга тизилгач, лейтенант мақсадни уқтирди:

— Топшириқ жиддий, йигитлар. Хатарли «ов»га борамиз. «Тил» тутиб келиш керак. Бардам бўлинглар.

Улар сийрак ўрмондан икки чақиримча юрар-юрмас сайҳонликка чиқишди. Буғдойзор. Бошоқлар сутқатиқ бўлиб қолибди.

Шу ерда қоронғи қуюқлашишини кутишди. Ўчакишгандек булутлар тарқаб, ой чиқди. Юлдузлар чарақлади. Эмаклаб, олға силжишга тўғри келди.

Тиконли симга яқинлашишгач, нафас ростлашди. Қозоқ йигити Иброҳим Турсунқулов симларни қирқди. Бу ёғи — фашистлар ўчоғи эди. Ҳар қадамда хавф-хатар. Айниқса, кўмилган миналар…

Омонбой хандаққа судралиб борди. Соқчи милтиғига суяниб, мудраб ўтирарди. У шарпа чиқармай яқинлашаверди. Ниҳоят кафтининг қирраси билан соқчининг бўйнига қаттиқ туширди. Соқчи «шилқ» этиб тушди.

— Ўлиб қолган бўлса-я?

Шоша-пиша кўксига қулоқ солди. Ҳайрият, юраги уряпти. Шериклари етиб келгач, ўрмонгача судраб боришди.

Эртаси куни Иван Иванович разведкачиларни яна йиғди.

— Ҳаракатларимиз зое кетмабди, йигитлар, — «Тўнка»нинг гавдасига яраша калласи ҳам бор экан. Жон талвасасида булбулигўёдек сайрабди. Яшанглар!

Разведкадаги хизматлари учун Омонбой Болтабоевга катта сержант унвони муддатидан олдин берилди. «Жасурлиги учун» медали билан тақдирланди.

Тушдан кейин ҳужумга ўтилди. Катта сержант қаттиқ яраланиб Қозон госпиталига тушди. Даволангач, 49-танкчилар бригадасига қўшилди.

Можайск яқинида босқинчилар қарши ҳужумга ўтдилар. Танк ва ўзиюрар тўплар бостириб келаверди. Ортида маст-аласт пиёдалар.

— Танкка қарши жангга! — буюрди катта сержант граната ва ёндирувчи суюқлик тўлдирилган шишаларни шайларкан. Граната отди. Гумбирлаб портлади. Тутун ва аланга кўтарилди. Танк занжири узилганди. Аммо, зирҳи ҳали бутун. Иккинчи гранатани ҳам улоқтиришга тўғри келди. Танк туйнуги қопқоғи кўтарилди. Ундан чиқиб, қочмоқчи бўлган фашистни ўқ билан қаршилади. Қолганлари қўл кўтаришди. Омонбой аканинг кўксидаги III даража Шуҳрат ордени ана шу жангдан ёдгорлик.

Уч марта жароҳатланган О. Болтабоев қурувчилар батальонига ўтказилди. Кўприклар, иморатлар қуриш, шаҳар ва қишлоқларни қайта тиклашда қатнашди. Омонбой ака Болтабоев ҳозир пенсионер. Аммо, тетик, тиниб-тинчимас. У Москва район «Октябрь» колхозида ишламоқда. Кўксидаги жанговар орден ва медаллари қаторига «Шавкатли меҳнати учун» медали ҳам қўшилган.

А. ВАҲОБОВ,
Э. САРИМСОҚОВ.

# ЖАСУР РАЗВЕДКАЧИ

Бирдан ракеталар тун бағрини ёриб, атрофга нур сочди. Гитлерчиларнинг пулемёт ва автоматлари тилга кирди.

— Олим, бу ёққа! — деди Василий. Олим эмаклаганча чап томондаги снаряд портлашидан ҳосил бўлган чуқурликка тушиб олди. Разведкачилар устидан ўқлар визиллаб уча бошлади. Унга жавобан орқа томондан бизнинг жангчиларимиз ҳам ўт очишди.

— Сезиб қолишди, аблаҳлар, — деди Тараненко шивирлаб, — яна уч-тўрт метр юрганимизда ялангликдан ўтиб олардик.

Автоматини бағрига босиб ётган Олим Ортиқов миясида «Тезроқ ўрмонга кириб олсак бўларди. Ишқилиб пистирмага дуч келиб қолмайлик-да», деган фикрлар ўтди. Бу хаёлларни миясидан ҳайдамокчи бўлиб, бошқа ёнбошига ағдарилиб олди-да, яқинда бўлиб ўтган воқеани эслади.

…Большая Поляна районида мустаҳкам ўрнашиб олган немислар, айниқса, уларнинг ДЗОТи ўрмондан чиқиб олға силжиётган батальонни тўхтатиб қўйди. Бир қадам ҳам олға боришнинг иложи йўқ. Тепаликни олиш учун бўлган ҳужумлар муваффақиятсиз чиқди. Шунда у ўзича: шерикларимнинг кўпидан айрилдим. Бугун ёки эртага, балки бир оз кейинроқ мен ҳам ҳалок бўлишим мумкин. Лекин ҳозир тирикман. Яна бирор ишга улгуриб қолишим керак. Қолаверса, қаҳрамонларча ҳалок бўлган дўстларим учун қасос олишим лозим, деб ўйлади. У Хожибой Иброҳимов, Николай Печкурев, Тўйчи Орипов, Мирходи Қаюмов каби ўнлаб марҳум дўстларининг номини яна бир карра ёд этди ва бориб ДЗОТни портлатишга аҳд қилди.

Дивизия разведкачилари командири гвардиячи капитан М. Т. Мешков ўз қаршисида турган катта сержантни яхши билади. Шунинг учун ҳам унга рухсат бериб, эҳтиёт бўлишни буюрди. Иккита танкка қарши граната ва автомат билан қуролланган Олим ариқ ва чуқурликлардан эмаклаб, ДЗОТга яқинлашди. Йигирма метрча наридан немисларнинг овози эшитиларди. У яна беш-олти метр эмаклади-да гранатани ДЗОТга улоқтирди. Кучли портлаш атрофни ларзага келтирди.

Граната аниқ мўлжалга теккан эди. У ўрнидан сапчиб туриб иккинчи гранатани ўша томон югуриб келаётган етти-саккиз нафар фашистларга қарата ирғитди. Шундан сўнг батальон ҳужумга кўтарилиб, шиддатли жанг бошланиб кетди. Бу қаҳрамонлиги учун у иккинчи маротаба Қизил Юлдуз ордени билан мукофотланди. Разведкачи бу воқеани хаёлидан ўтказиб мана шу «ов»дан омон қайтсам, албатта, онамга шулар ҳақида ёзаман, хурсанд бўлади, деб ўйлаб қўйди.

…Аста-секин ўқлар овози тина бошлади. Разведкачилар олға силжишди.

Курск бўсағасида жиддий мағлубиятга учраган душманнинг қўшимча кучи қанчалиги ва навбатдаги ҳаракат планини билиш керак эди. Бунинг учун албатта штаб офицерларидан «тил» олиш лозимлигини разведкачилар яхши тушунишарди. Улар икки кун давомида ўрмон ва ботқоқликлардан юриб, кечаси бир қишлоққа келишди. Йўлда душманнинг икки нафар қоровули юрарди. Уларни овоз чиқармай йўқотиб, биринчи уйга киришди. Олим ва Василий печка устида ухлаб ётган икки немисга ханжар уришди.

**ҚАҲРАМОНЛАР ОРАМИЗДА**

— Бу ер Грайворон қишлоғи,— деди уй эгаси. Штаб етти уй нарида. Полиз орқали юринглар, кўчада қоровул бор.

Улар полиздан бориб уйга киришди. Коридорда донг қотиб ухлаб ётган офицер бир зумда «тегиши»ни олди. Ичкари хонада эса гавдали бир немис ётарди. Осиғлиқ турган кийим-бошидан у немис полковниги эканлиги маълум бўлди. Беш-олти кундан сўнг ўша «тил»дан қимматли маълумотлар олиниб, қўшинларимиз бир неча километр олға силжишди. Кўплаб аҳоли пунктлари озод қилинди.

«Огонёк» журналининг 1943 йил август сонида жасур разведкачи О. Ортиқов сурати берилган. ТАСС мухбири олган бу сурат остига: «Ҳаракатдаги армия. Ўрта Осиё давлат университетининг собиқ студенти, жасур ўзбек жангчиси Олим Ортиқов Улуғ Ватан уруши фронтларида душманларга қарши мардона курашиб 219 гитлерчини ер тишлатди ва 10 гитлерчини асир олди. Суратда: Қизил Юлдуз ордени, «Жасурлиги учун» ва «Жанговар хизматлари учун» медаллари билан мукофотланган жангчи Олим Ортиқов» деган сўзлар битилган.

— Журналда суратим чиққанини дўстларим кўрсатишди, — дейди О. Ортиқов. — Кейин билишимча, бу сурат Днепр дарёсини кечиб ўтишимизгача бўлган жангларнинг бирида олинган экан. Днепр дарёсини кечиб ўтиб, 243/2 тепалигини ишғол қилишда взводимиз командири қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Унинг вазифасини ўз зиммамга олиб операцияни муваффақиятли амалга оширганимиз ва жангда кўрсатган хизматларим учун III даража Шуҳрат ордени билан тақдирландим.

О. Ортиқов 1942 йилдан 1945 йилнинг 9 мартигача жангларда иштирок этди. Воронеж, Касторное, Старий Оскол, Белгород, Могилев, Подольск, Канев шаҳарлари ва Руминия, Болгария территорияларини фашист босқинчиларидан озод этишда қатнашди. Олим Ортиқов ҳар йили у жойларга бориб, қуролдош дўстлари қабрига гулчамбарлар қўйиб қайтади. Ҳар борганида мактаб, завод, колхоз ва совхозларда учрашувларда бўлиб, шу ерларда қолиб кетган дўстлари, уларнинг қаҳрамонликлари ҳақида гапириб беради. Мана 40 йилдирки, унга мамлакатимизнинг турли жойларидан акасини ,отасини, қариндош-уруғини ахтариб ёзилган хатлар, телеграммалар келмоқда.

Харьковлик Альберт Казодавлев хатини «Қадрли ва азиз Олим Ортиқов, менинг отам Василий Казодавлев билан елкама-елка туриб жанг қилган экансиз. Сиз ҳам менинг отамсиз»,— деган сўзлар билан бошлайди.

Собиқ жангчи шахсий музейидаги занг босган гилзаларга узоқ тикилиб қолганимизни кўриб бир оз сукутдан сўнг изоҳ берди:

— 1984 йил Воронеж областида ўзим жанг қилган жойларга такрор бордим. У жойлардан ўз окопимни топиб белкурак билан кавладим ва мана шуларни териб олдим. Чунки мен у окопда узоқ туриб қолиб, душманларга қарата жуда кўп ўқ отган эдим.

Улуғ Ватан урушидан кейиноқ 206-дивизия ветеранлари Совети ташкил этилган. Олим Ортиқов шу Совет қошида ҳар йили қуролдош дўстлари билан учрашади. Улар ўзлари жон олиб, жон берган жанг майдонларида бўладилар. Неча минглаб дўстлари қабрига гулчамбарлар қўйиб, уларни ёд этишади. Ҳозирги авлод улар шон-шуҳратга бурканган байроқни қандай кўтариб бораётгани ва уларнинг мақсадлари амалга ошаётганлиги ҳақида дўстларига гапириб берадилар.

Ҳ. МАДАТОВ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ДА БОСИЛГАНДАН СЎНГ

# ЎЧМАС ХОТИРА

Ҳурматли газетхон! Ёдингизда бўлса, газетамизнинг ўтган йил 15 июль сонида 156-гвардиячи артиллерия полкининг иккинчи дивизиони разведка группасининг собиқ бошлиғи қозонлик Маннур Толипович Сатторовнинг «Қайтиш» сарлавҳали мақоласи босилган эди. Унда олтиариқлик Йўлдош Азимовнинг фронтда кўрсатган жасорати ва унинг қаҳрамонларча ҳалок бўлганлиги ҳикоя қилинган эди. Ушбу мақола эълон қилингандан сўнг Маннур Сатторов қаҳрамоннинг қариндош-уруғларини топди.

* * *

Маннур Сатторов қуролдоши Й. Азимов туғилиб ўсган Фарғона область Олтиариқ районидаги Олтиариқ қишлоқ Советининг Хўжақўрғон қишлоғида бўлди.

Район ҳарбий комиссариатида ёшлар — ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг уруш ва меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорлари билан бўлиб ўтган учрашуви жасур жангчи хотирасига бағишланди.

Учрашувда Қозон шаҳридан келган меҳмон, Й. Азимовнинг собиқ командири ва қуролдош дўсти Маннур Толипович Сатторов сўз олди. У йиғилганларга Йўлдош Азимовнинг жанг майдонларида кўрсатган жасорати ҳақида зўр ҳаяжон билан ҳикоя қилди:

— Биз, 77-гвардиячи дивизиянинг ветеранлари ҳар йили Москвада тўпланамиз. Ҳар гал Йўлдош Азимовни алоҳида ҳурмат билан эслаймиз. Дивизиямиз ветеранлар Совети президиуми яқинда Азимовни ўлимидан сўнг «77-Гвадриячи дивизия ветерани» кўкрак нишони билан тақдирлаш ҳақида қарор қабул қилди. Мен ана шу нишонни ветеранлар Советининг топшириғига биноан унинг онаси Бувинисо холага топшираман.



Шунингдек, М. Сатторов ветеранлар Совети томонидан юборилган, уруш даврида дивизиянинг ташкил этилганига 3 йил тўлиши муносабати билан полк байроғи остида Йўлдош Азимов тушган сурат, дивизиянинг Ватан уруши йилларида босиб ўтган жанговар йўли харитасини ҳам Бувинисо аяга топширди.

Жасур жангчи хотирасига бағишланган ҳаяжонли учрашувлар у ўқиган Ломоносов номли 2-мактабда, Улуғбек номидаги Фарғона давлат педагогика институтининг физика-математика факультетида, 1940 йилларда директорлик қилган мактабда ҳам бўлиб ўтди.

М. Сатторов Қозонга қайтиб боргач, ўз сафдоши ҳақида яна янги маълумотни билди. СССР Мудофаа министрлигининг мукофот бўлимида Йўлдош Азимов ўлимидан сўнг Ватаннинг яна бир олий мукофоти — II даражали Ватан уруши ордени билан тақдирланганлигини аниқлади.

Ҳеч ким, ҳеч нарса унутилмайди. Йўлдош Азимов хотираси ҳам ҳамқишлоқлари қалбидан мангу ўчмайди. Олтиариқ қишлоқ Советидаги кўчалардан бири, у билим олган Ломоносов номли мактабнинг дружина Советига, Миндон қишлоғидаги 10-ўрта мактабнинг пионерлар отрядига Йўлдош Азимов номи берилганлиги бундан далолат беради.

Т. АЗИЗОВ,
О. БЕРДАЛИЕВ.

**Суратда: Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, запасдаги гвардия капитани Маннур Толипович Сатторов собиқ қуролдош дўсти Йўлдош Азимовнинг онаси Бувинисо ая билан.**

# ТАРИХ САБОҚЛАРИНИ СОХТАЛАШТИРУВЧИЛАР

Дунё шонли сана — фашистлар Германияси устидан қозонилган Ғалабанинг 40 йиллиги арафасида турибди. Бу Ғалабага асосий ва ҳал қилувчи ҳиссани Совет Иттифоқи қўшди. Совет Армияси Европа халқларига озодлик олиб келди, уларни азоб-уқубатлардан, ҳалокатдан қутқарди.

Гитлер «башорат қилган» минг йиллик рейх» ўн икки ярим йил кун кўрди. Шунга қарамай, унинг ёвузликлари бутун жаҳонни ларзага солди. Шу боисдан гитлерчилар Германияси таслим бўлган кунни халқлар буюк умуминсоний байрам сифатида нишонламоқдалар.

Айни пайтда Ғарбдаги муайян доиралар бу муҳим тарихий санага ошкора ғижиниб қарамоқдалар, унинг аҳамиятини камситиш, ҳатто бу муҳим воқеага эътибор бермасликка уринмоқдалар. Масалан, Буюк Британия бош министри Тэтчер хоним аввалига Ғалабанинг 40 йиллигини нишонлаш шарт бўлмаса керак, деб айтди. «Бизнинг ҳар биримиз бу кунни ўз билганимизча нишонлашни истаймиз», — деди бош министр журналистларга. Кейинчалик эса Англия ҳукуматининг бошлиғи жамоатчилик талабига ён босиб, «тинч ҳаёт ва озодликнинг 40 йиллиги»ни нишонлаш учун миллий байрам ўтказишга розилик берди. Шунда ҳам Тэтчер хоним Англия «Ғарбий немисларнинг ҳис-туйғулари ва кайфиятлари билан ҳисоблашиш»и кераклигини писанда қилиб қўйди. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, НАТО бўйича ғарбий германиялик иттифоқчиларини хафа қилмаслик ташвиши шу региондаги бошқа пойтахтларда ҳам сезилмоқда.

Шуниси ажабланарлики, бултур ёзда Европада иккинчи фронт очилишининг 40 йиллигига бағишлаб Франциянинг Нормандия соҳилида дабдабали тантаналар ўтказишганди. Диққат билан таҳлил этиладиган бўлса, ғарбий немислар ҳақидаги «ғамхўрлик» ҳам, бултурги Нормандия «томоша»лари ҳам айнан бир сабаб билан қилинаётганини сезиш қийин эмас.

Ғарбдаги муайян доиралар иккинчи жаҳон уруши тарихини сохталаштириб, Совет Иттифоқининг фашизм устидан қозонилган Ғалабага қўшган ҳиссасини камситишга уринмоқдалар. Улар ҳозирги авлодни гитлеризмни тор-мор келтиришда АҚШ билан Англия асосий роль ўйнади, дея чалғитмоқчи бўляптилар.

Ҳозирги пайтда Ғарбда ўтган урушга нисбатан қўлланиладиган «фашизм», «гитлеризм» сўзларини эшитиш қийин. Ассошиэйтед Пресс агентлигининг мухбири қайд қилганидек, Бонн раҳбарларини «ватанпарварлик ва виждон туйғуси қийнамоқда». Уларга қолса, 40 йил бурунги воқеаларни сира эслагилари йўқ.

Демак, фашистларга қарши коалицияда бўлган мамлакатлар ҳозирги раҳбарлари ҳам ғарбий немисларнинг мана шу «туйғулари» билан ҳисоблашишаётган эканда. Ўз-ўзидан шундай савол туғилади: Агар шу раҳбарлар ўша пайтда ҳокимият тепасида бўлганларида «ҳалокат»га йўл қўймаслик учун Германияни нацизмдан озод қилишармиди? Германиянинг иккига бўлиниб кетишига Гитлер армиясининг таслим бўлиши эмас, балки Ғарбдаги давлатлар раҳбарларининг сиёсати сабаб бўлди. Чунки, айнан шулар Қрим ва Берлин конференцияларининг қарорларига хилоф равишда Германия Федератив Республикасини тезроқ қайта қуроллантиришга зўр бердилар.

Айнан шу кишилар Ғалабанинг 40 йиллигини «эсдан чиқариб», Европадаги урушдан сўнгги тузилишларга норозилик билдиряптилар. Ялта ва Потсдамда 1945 йили эришилган қарорларга шубҳа билан қарамоқдалар. Андишасизларча «Германия масаласи» ҳал этилгани йўқ. Европа чегаралари қайта кўриб чиқилиши керак, деб даъво қилмоқдалар.

Афсуски, бундай реваншистик даъволар расмий Боннда ижобий баҳо олмоқда. Вашингтон, Лондон, Париж эса уларга хайрихоҳлик билан қарамоқдалар. Реваншчи тўдаларнинг йиғинларида ГФР юқори мартабали ҳукумат арбобларининг иштирок этиши одат тусига кириб қолди. Бундай йиғинларда эса оғиз кўпиртириб Германиянинг 1937 йилги чегараларини тиклашни талаб қилишга зўр беришмоқда. Бундай хатти-ҳаракатнинг Европада ва бутун дунёда тинчлик ишига хавфли эканини исботлашнинг зарурати бўлмаса керак. Урушдан сўнгги чегаралар Гитлерга қарши коалициядаги иттифоқчилар томонидан тарихий шароитлар асосида тасдиқланган эди. Мазкур чегараларнинг халқаро-ҳуқуқий низомини ГДР тан олди. СССР, Польша ва Чехословакия билан шартномаларда ГФР ҳам буни тан олди. Ниҳоят, Европадаги чегараларнинг бузилмаслиги ўн йил муқаддам Хельсинкида ўтган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича кенгашнинг Якунловчи актида ҳам мустаҳкамланди.

Иккинчи жаҳон уруши тарихини сохталаштириш, унинг натижаларини шубҳа остида қолдириш Қўшма Штатлар ва уларнинг иттифоқчилари ҳозир халқаро майдонда олиб бораётган сиёсий йўлнинг таркибий қисмидир. Совет Армиясининг халоскорлик вазифасини бузиб кўрсатиш ва Ғарбий Германиядаги реваншчи тўдалар хатти-ҳаракатини рағбатлантириш Вашингтоннинг жаҳонга ҳоким бўлишга интилишини пропагандистик жиҳатдан таъминлашга қаратилгандир. Айни чоғда бундай ҳаракатлар Оқ уй маъмуриятининг социализмни тугатишга қаратилган мақсадини оқлаш, СССРга ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатларига нисбатан ерда ва космосда ҳарбий устунликка эришиш ниятида АҚШ авж олдирган ядро билан қуролланиш пойгасини ниқоблашга уринишдан бошқа нарса эмас. Айнан шунинг учун ҳам «фашизм», «гитлеризм» сўзларини четлаб ўтишга ҳаракат қилишмоқда. Чунки Гитлер жаҳонга ҳоким бўлишни даъво қилганди. Чунки фашистик идеология халқларга зўрлаб тиқиштирилган эди. Лекин тарихни унутиш мумкин эмас. 40 йил муқаддам гитлерчилар Германияси сўзсиз таслим бўлди, фашизм тор-мор келтирилди. Аммо бу Ғалаба озодлик кучларига жуда қимматга тушди. Совет Иттифоқи бу Ғалаба учун 20 миллион кишисидан жудо бўлди.

Мана, қирқ йилдирки, Европа тинчликда яшаб келяпти. Соф ниятли кишилар бунга Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг собитқадам куч-ғайратлари туфайли эришилганини яхши тушунадилар. Қирқ йилдан бери тинч осмон остида яшар эканмиз, бунга ер юзидаги барча демократик ва тараққийпарвар кучларнинг қуролланиш пойгасини жиловлаш, халқлар ўртасида тинчлик ва ҳамкорлик учун олиб бораётган кураши туфайли эришилганини унутиб бўладими, ахир?!

Иккинчи жаҳон уруши сабоқлари тарихий аҳамиятга моликдир. Бу сабоқлар ҳозирги кунларда, айниқса, долзарб аҳамият касб этмоқда. Уларни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!

Георгий БОКОВ,
**София-Пресс агентлиги кенгашининг раиси, собиқ партизан.** (София-Пресс — АПН)

## Агитбригада фаолиятда

Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги олдидан Самарқанд район ДОСААФ комитети ташаббуси билан агитбригада ташкил этилди. Унинг аъзолари асосан Улуғ Ватан уруши машаққатларини бошидан кечирган, Ғалабага ўз ҳиссаларини қўшган, қатор жанговар мукофотлар соҳибларидан иборат. Улар айни кунларда актив фаолият кўрсатмоқдалар. Уруш ветеранларидан О. Халилов, В. Тингаев, В. Птушкин, М. Эшонқулов, С. Зевакин, И. Қозоқов, М. Ҳасановлар колхозлар, совхозлар ва бошқа меҳнат коллективларида бўлиб, ёшлар ўртасида лекция ва суҳбатлар ўтказдилар, жанговар йиллардаги хотиралари, қуролдош дўстлари жасорати ҳақида сўзлаб бердилар. Уларни она-Ватаннинг муносиб ҳимоячилари бўлиб етишишга даъват этдилар.

Кейинги кунларда райондаги кўпгина мактаблар, колхоз ва совхозларда агитбригада аъзолари билан ўқувчи ҳамда меҳнаткашларнинг қизиқарли учрашувлари бўлиб ўтди.

Э. ХОЖИҚУРБОНОВ,
Самарқанд райони.

